



halol.uz

Бройлер товукларга берилаётган озуқалар

Хозирги кунда атрофимизда тадбиркорлар тарафидан кун сайин кўпайиб бораётган товук фабрикалардаги бройлер товукларга берилаётган озуқаларига шариъатда манъ килинган кон, ўлган товуклар, ўлимтиклар каби нарсаларни аралаштириб едирадилар. Шу ўринда икки масъала:

Биринчиси ўша нарсаларни сотиб олиш ёки сотиш жоиз ва жоиз эмаслиги. Иккинчи ўша нарсаларни еган товукларнинг гўштлари халол ёки харом.

Товукларга хам халол, покиза нарсалар едириш керак. Юкорида зикр килинган нарсаларни едириш мумкин эмас. Шунингдек, уларнинг савдоси хам жоиз эмас.

Росулulloх(ﷺ ﺍﻟﻠﻪﻡ ﺍﻟﻤﻮﻣﻨﻮﻥ ﺍﻟﻤﻮﻣﻨﺎﺗﻮﻥ : (ﻟﻪﻟﻠﻪﻡ ﺍﻟﻤﻮﻣﻨﻮﻥ ﺍﻟﻤﻮﻣﻨﺎﺗﻮﻥ .

“Ўлимтиқдан фойдаланманглар” деганлар.

2-унинг гўштига келадиган бўлсак, бундай нарсаларни еган товукнинг гўшти бадбўйлашиб, нажосатнинг хиди келадиган даражага етса, уни еб бўлмайди. Агар тирик холатида бўлса, гўшtidан ўша хиди кетгунча покиза таомлар билан бокиб турилади.

Агар гўшtidан ўша хид келмаса, уни ейишлик халолдир. Бу худди тўнгизни сутини ичиб катта бўлган кўзининг гўшти халол бўлгани кабидир.

Товук нажосат ва бошка нарсаларни еса-ю, гўшти бадбўйлашмаса гўшти халол бўлади.

Бу худди тўнгиз сути билан озукланган кўзининг гўшти каби. Чунки, унинг гўшти ўзгариб колмайди. Аввалда еган озукаси эса чикиндига айланган бўлиб, таъсири колмайди.

(Роддул Мухтор).

Гўшти ўзгармасада нажосат еган товукларни уч кунгача покиза таом билан бокишлик мустахабдир.

Тирик жониворларни вазн билан тортиш

“Хидоя”нинг сохиби товукларни тирик холатда вазнлаб тортишни жоиз эмаслигини зикр килганлар. Лекин, кейинги уламоларимиз товукни тирик холида вазнлаб тортишда айтарли фарк килмаслигини ва бу фарк тортишувга олиб бормаслигини эътиборга олиб, тирик холда килолаб тортиб сотишни жоиз деганлар(Ахсанул фатаво).

Товук, кўй ва молларни тарозуга кўйиб тортишлик борасида аввало, шу нарсага эътибор бериш керакки, жониворлар ададийми(яъни саногини эътиборга олиб сотиладиган) ёки вазний(шакар, бугдойлар каби неча кило хохласа килолаб сотиб олинадиган) нарсами.

Замонамизнинг етук олимларидан Мухаммад Такий Усманий хайвонлар ададий хисобланади. Уларни тарозуда тортишлигининг сабаби эса танлаб олишга осон бўлсин учун, тахминан канча гўшт килиши мумкинлигини билиб олиш учундир. Чунки, нарсаларни вазний бўлишлиги ким канча кило хохласа ўшанча сотиб олаверадиган бўлиши билан билинади. Жониворлар эса бундай эмас. Жониворларни сотиб олишда килолашлик, тахминан уларни канча гўшт килишини билиш учун холос. Чунки канча гўшт килиши ҳеч кимга аник маълум эмас. Шунинг учун, савдо килосига эмас балки, унинг ададига бўлади. Бу ададига килинган савдо эса жоиздир деганлар.

Агар сотувчи билан олувчи жониворни тирик холида вазнлаб тортиб олишга рози бўлса, торозуда тортилгандан кейин нақд пул ёки жониворни жинсидан бошка нарса эвазига масалан, молни бугдой, гуруч каби нарсаларга сотиш жоиз. Молни мол гўштига, кўйни эса кўй гўштига сотиш жоиз эмас. Бу савдода икки нарса шарт.

1.Муъайян жониворни хар бир килоси фалонча нархданлиги.

2.Жониворни тортилгандан кейинги умумий киймати муъайян бўлишлиги керак.

Бунинг мисоли : муъайян бир молни танлаб бир килоси 10.000 сўм деб торозуда

тортилинади ва умумий бахоси айтилади. Харидор кабул килдим – дейди. Шу билан байъ боғланади. Шу ўринда икки нарсани яхши билиш зарур.

1-жониворни килолаб сотиш ва сотиб олиш.

2-жониворни килолаб сотиладиган нарсалар жумласидан деб хукм қилиш.

Биринчи масъалага келсак, килолаб сотиш ва сотиб олиш шубҳасиз жоиз. Чунки жоиз эмаслигига сабаб йўқ.

Иккинчиси, жониворларни килолаб сотиладиган нарсалар каторига қўшиш ва унга уларни хукмларини жорий қилиш, бу жоиз эмас.

Биринчи сабаб. Чунки қайси нарсалар азалда вазний, литрли ёки адададий(доналаб сотиладиган) бўлса абадий шундайлигича қолади. Росулulloх(ﷺ) замоналарида жониворлар доналаб сотиладиган нарса деб ҳисобланган. Энди қайси нарсалар Росулulloх(ﷺ) даврларида бўлмаган ёки ҳолати маълум бўлмаган бўлса урфга қаралинади.

Иккинчи сабаб. Жониворларни тирик ҳолатида бошқа килоли нарсалар каби хоҳлаганича сотиб олиш масалан : тирик жониворни 10кило 15килосини сотиб олиш имкони йўқ.

Шунинг учун у килоли нарсалар сафига қўшилмайди. Жониворларни урфда килосини тортиб сотилсада, ҳақиқатини олиб қаралганда унинг килосига эмас балки, унинг умумий бахоси эътиборга олинган бўлади. Бу байъ жоиздир. Чунки жонивор ҳам, қиймати ҳам тайин, жоиз эмаслигига сабаб йўқ.

Ҳадисда Росулulloх(ﷺ) : “Сотиладиган ва эвазига бериладиган нарсанинг нави турлича бўлса, хоҳлаган шаклда сотаверинглар” деганлар. Баъзи шаҳарларда қийимларни ҳам килолаб сотилади. Бу билан у нарсалар килоли нарсалар сафига қўшилиб қолмайди. Жоизлигига сабаб, у қийимлар тайин, нархи ҳам тайинлигидир. Жониворларни килоли нарсалар сафига қўшилмаслигига келсак, жониворларни тирик ҳолатида қарзга олиб бўлмайди, улардан худди шақарга ўхшаб хоҳлаганда хоҳлаганича килосини олиб бўлмайди. Тирик тургани билан қанча гўшт қилишлигини ноаниклигига келсак, сотувчи ва олувчи ҳам ноаникликка рози бўлиб туришибди. Кейинчалик жанжалга сабаб бўлмайди. Баъзи бир қискартиришлар билан “Фатавои Усманий”дан олинди.

Ҳозирги кунда, қассоблар орасида қенг тарқалган ҳар бир килосини фалонча нархдан, қалла пойчаси эса қегирма(скидка) шаклида қилинадиган савдолари мутлақо ножоиздир. Чунки, бу олувчининг фойдасига қилинган шарт билан бўлинган савдодир. Шарифатимизда эса сотувчи ёки олувчидан бирининг фойдасига бирор нарсани шарт қилиб қилинган савдони ножоиз дейилган. Шунингдек, ҳайвонни тарозуда тортиб тахминан 60% гўшт қилади, ҳар бир килоси 20.000 сўмдан – деб қилинган савдода ҳам, агар муъайян ҳайвонни охириги муъайян бир нархга қелишиб олса жоиздир. Чунки бу сувратда кило эътибор эмас балки, ҳайвоннинг умумий нархи эътибордир. Килолаш эса унга бир мўлжал ҳолос.

Абдуманнон Косимий